# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 96 (8.986) * 1997 йил 20 август, чоршанба * Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллиги олдидан



*Саноат*

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***«Ўзқоғоз» ҳиссадорлик жамияти Ҳамза туманидаги илғор жамоалардан биридир. Шу кунларда бу ерда иш қизғин.***

Жамият аъзолари тобора яқинлашиб келаётган улуғ шодиёна — Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш ҳамда янги ўқув йилига зарур бўладиган дафтарларни харидорларга етказиб бериш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат корхонанинг дафтарлар тайёрланадиган цехи ишчилари юмуши кўпайган. Улар кунлик топшириқларини зиёдаси билан адо этиб ўқувчилар дафтари ишлаб чиқаришни тобора оширмоқдалар. Саъдулла Эшматов (юқоридаги сурат) ўз касбига ихлос қўйганлардан бири. У операторлик касбининг барча сирларини ўзлаштириб олган. Ишда юқори кўрсаткич ва сифатга эришиш унинг асосий мезонидир. У ишлаётган машина операторнинг ҳар бир ҳаракатларини бекаму-кўст бажаради. Саъдулла Эшматов ўзининг бой тажрибаларини ёшларга ҳам сидқидиллик билан ўргатмоқда.

Пастдаги суратда тасвирланган иш жараёнидан цех ишчилари ҳозиргина машиналардан тушириб олган маҳсулотлар кўзга ташланиб турибди. Цехдаги дастгоҳлар бир маромда ишлаётганлиги сабабли режалар муваффақиятли бажарилмоқда. Энг муҳими ишчиларнинг ҳар бири қалбида яқинлашиб келаётган байрамни муносиб ютуқлар билан кутиб олишдек эзгу мақсадлар жўш урган. Ана шу мақсад йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз маҳсулини бермоқда.

*Саид БОТИРОВ.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*



*Тараддуд*

## ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Мустақиллик байрамининг 6 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар штабида штаб бошлиғи, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалиловни ҳам, байрам томошаларининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовни ҳам қизғин иш устида учратдик. Улар масалани ҳал этишгач, суҳбатлашишга имкон топилди.

— **Рустам ака, боя икки кишининг бу йилги байрам жуда бошқача бўлади, деб суҳбатлашаётганини эшитиб қолдим. Чиндан ҳам шундайми?**

— Ҳар йилги Мустақиллик байрами ўзига хос кўринишларда, тамомила янги услубда бўлиб ўтади. Бунда сценарий ҳам, унинг ижроси ҳам, саҳна безаклари ҳам, рақслар, кийимлар ҳам янги бўлади. Бу йил ҳам шундай. Мустақиллигимиз 6 йиллигининг тантаналари Инсон манфаатлари йилида бўлиб ўтаётгани билан диққатга сазовордир. Томошаларда мана шу улуғ ғамхўрлик ўз аксини топади.

— **Томоша сценарийсини ким ёзди?**

— Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. Бундан ташқари Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Муҳаммад Юсуф ва бошқаларнинг шеърларига ёзилган қўшиқлардан фойдаландик.

— **Бу йилги томошаларда яна нималарга диққат қаратилади?**

— Бир йил ичида озмунча ўзгаришлар бўлдими! Шуларнинг ҳаммаси байрам шодиёналарида рақс, қўшиқ мусиқа орқали ўз ифодасини топади.

Хабарингиз бор, бу йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланади. Байрам томошаларида Бухоронинг илм-маърифат, маънавият маскани бўлиб келгани, Хива эса мардлик, мустақиллик учун курашган қаҳрамонлар юрти эканлигига урғу берилади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий, саркарда Жалолиддин Мангуберди саҳнага ташриф буюрганда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

— **Бу йил ҳам вилоятларга кенг ўрин бериладими?**

— Албатта. «Ўзбекрақс» ва «Ўзбекнаво» концерт гастроль бирлашмалари дасталари билан бир қаторда шаҳ-



римиздаги барча бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаол иштирок этадилар. Бундан ташқари Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти, Маннон Уйғур номидаги давлат санъат институти талабалари ҳам байрамда қатнашадилар. Вилоятларга келсак, ҳар галгидек ўзларининг энг яхши хонанда, созанда, раққосалари билан, Ватан, истиқлол тўғрисидаги янги қўшиқлари билан байрамимизга ажойиб файз бахш этадилар. Айни пайтда ҳар бир вилоят ўз урф-одатини, қадриятини ҳам намойиш этади. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги бадиий жамоаларининг чиқишларини айтиб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Умуман, 31 августда бўлиб ўтадиган шодиёналарда 7 минг санъат аҳли иштирок этади.

Ҳозир Халқлар дўстлиги, «Туркистон» саройларида, «Алпомиш» спорт саройида, Алишер Навоий номли театрда, «Пахтакор» стадионининг катта-кичик ареноларида қизғин тайёргарликлар кетяпти. Бугун-эрта бош саҳнада, яъни Мустақиллик майдонида асосий репетицияларни бошлаймиз.

— **Байрам тантаналари 1 сентябрь куни ҳам давом этса керак?**

— Бўлмасам-чи! Шаҳримизнинг 8 та энг катта майдонида — Халқлар дўстлиги, Мустақиллик, Мирзо Улуғбек, Ҳамид Олимжон, Алишер Навоий номли театр майдонида, Миллий боғимизда саҳардан то кечгача савти наволар тинмайди. Бу ерда ҳам таниқли санъаткорлардан тортиб, ҳаваскорларгача барча-барча иштирок этади. Маъмуржон Узоқов номидаги, Комилжон Отаниёзов номидаги мусиқий танловлар ғолиблари концерт берадилар.

— **Байрам томошаларини тайёрлашда кимлар иштирок этяпти?**

— Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев, Ўзбекистон халқ артистлари Иброҳим Юсупов, Маъмура Эргашева, Вилоят Оқилова, таниқли балетмейстерлар Шокир Аҳмедов, Қодир Мўминов, бастакорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Анор Назаров, Мустафо Бафоев, шунингдек Баҳрилла Лутфуллаев ва бошқалар фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Ушбу фидойи меҳнатнинг маҳсули бўлган энг улуғ байрамимиз — Мустақиллик байрамининг шодиёналарида кўриб бир ифтихоримизга минг ифтихор қўшилишига эса саноқли кунлар қолди.

*Темур УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.*

*СУРАТДА: байрам томошалари машқи пайтида.*




*Назорат инспекциясида*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги назорат инспекциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасида ва унинг туман бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда улар ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиб бориши кўриб чиқилди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ушбу бошқарма ва унинг туман бўлимлари томонидан «Бандлик-97» ярим йиллик дастури ва иш режасига асосан аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини яратиш, ишсиз аҳолини қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маълум ишлар амалга оширилган.

1996 йил натижалари бўйича 3578 та фуқаро ишсизлар рўйхатида қайд қилинган бўлиб, улардан 2007 тасига ишсизлик мақоми берилган, 192 тасининг ҳужжати қарилик нафақаси олиш учун расмийлаштирилган, 938 таси иш билан таъминланган ва 427 таси ўқишга юборилган. Шу йил биринчи ярми маълумотларига кўра, бошқарма бўйича 956 та шахс ишсиз сифатида рўйхатга олинган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг 344 таси ишсизлик нафақасини олмоқда ва 414 таси турли касбларга ўқишга юборилган.

Амалдаги қонунчиликка асосан жамоат ишларига юборилган фуқароларга иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисми корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, жамоат ишларига юборилган фуқароларга иш ҳақи тўлиқ тўланмаган. Корхона, ташкилотлар томонидан иш ҳақи тўланиши назоратга олинмаганлик ҳолатлари аниқланиб, юқоридаги хатоларни бартараф этиш масаласи қўйилди ҳамда йўл қўйган хатолари учун туман бўлимлари раҳбарлари иш фаолиятига принципиал баҳо бериш шаҳар бошқармаси раҳбариятига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 июлдаги 310-сонли қарорига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасининг қўшимча иш жойларини яратиш учун берилган кредитларни мақсадга мувофиқ ишлатилиши ва ўз вақтида қайтарилиши ўрганилганда, бугунги кунга келиб 76 та берилган кредит ва 13 та муассислик шартномаси бўйича ажратилган маблағлар ўз вақтида қайтарилмаганлиги маълум бўлди. Бу маблағларни қайтариш бир йил ва ундан ортиқ муддатга ўтиб кетган. Ажратилган маблағлар ўз вақтида қайтарилиши тўғрисида бошқарма раҳбарияти томонидан тегишли органларга мурожаат этилганлигига ва бошқа чоралар кўрилганлигига қарамасдан қарздорлар томонидан кредитлар ўз вақтида қайтарилиши таъминланган.

Йиғилишда бошқарма раҳбариятига ушбу камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекциясининг раҳбари Бадриддин Камолов олиб борди.

*Ободонлаштириш*

## ОЙЛИК ЯКУНЛАНМОҚДА

***Республикамиз Мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида шаҳримизда кўплаб қурилиш иншоотлари фойдаланишга топширилади. Айни кунларда эса ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғофир Рустамов шу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Тошкент шаҳрида Мустақиллигимизнинг 6 йиллигини нишонлаш арафасида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 25 августгача шаҳримизда ободонлаштириш, санитар тозаликни таъминлаш ойлиги эълон қилинган. Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги қошида махсус штаб тузилган. Бундан ташқари ҳар бир туманда мана шундай штаблар тузилган.

Ҳозир давом этаётган ободонлаштириш ойлигига 68 мингдан зиёд киши, ишлаб чиқариш, транспорт корхоналаридан 600 дан ортиқ машина-механизмлар жалб қилинган. Бу албатта катта куч. Кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Афсуски, айрим корхоналар режада белгиланган тадбирларни амалга ошираётганлари йўқ. Улар бу ишларни байрамгача улгурамиз деб ўйлашаётгандир. Иш кўлами эса жуда катта. Кўплаб вақт ва куч керак бўлади. Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган штабнинг Миробод ва Акмал Икромов туманларида сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўпгина корхоналарнинг ишчилари ободонлаштириш ишларига жалб қилинмаётгани таъкидланди. Хусусан, Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти, темир йўл техникуми кабилар атрофи ҳанузгача тозаланмай, ёмон аҳволда эканлиги айтилди. Бундан ташқари шаҳримизнинг турар жой бинолари, кўп қаватли уйлар атрофида чиқиндилар тўпланиб қолмоқда. Айниқса, бу борада Шайхонтоҳур, Ҳамза туманларида аҳвол ёмон.

*Султонмурод УМАРОВ суҳбатлашди.*

*Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

## БОҒБОН ВА СОҲИБКОРЛАРИМИЗ САХОВАТИ

***25 августда Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмарка савдоси очилади. «Тошшаҳармевасабзавотсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Абдуқаҳҳор Маъдалиев билан суҳбатимиз ана шу тадбирга бозорлар ва айрим савдо жойларининг қандай тараддуд кўраётганлиги хусусида бўлди.***

— Республикамиз Мустақиллиги кунини байрам қилиш арафасида ҳамшаҳарларимизнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг шундай ярмаркаларини ҳар йили уюштириш яхши анъанага айланиб қолди. Бу галги ярмарка одатдагидек ўн кун мобайнида уюштирилади ва у 5 сентябрга қадар шаҳримизнинг барча туманларида бўлади. Ярмарканинг ташкилотчилари бўлмиш «Ўзбекбирлашув», Сув ва қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотхолдинг» компанияси ва «Тошшаҳармевасабзавот» бирлашмаси ярмаркага республикамизнинг барча вилоятларидаги 500 дан ортиқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берадилар. Бу галги ярмаркада 10 минг тоннадан зиёд сабзавот, мева, полиз, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар бўлади. Бинобарин, дуккакли ўсимликлар хусусида тўхталадиган бўлсак дастлабки маълумотларга кўра дуккакли ўсимликлар нархи бўйича бир тўхтамга келинмаганлиги боисидан ярмаркага қўйилмаган эди. Бироқ биз куни кеча нўхотни ҳамшаҳарларимизни қониқтирадиган нархда етказиб бериш юзасидан Жиззах вилояти билан шартнома имзоладик. Қишлоқ хўжалигининг бошқа турдаги маҳсулотлари нархи масаласига келганда шуни айтиш керакки, у шаҳар бозорларидаги нархдан 25-35 фоиз арзон бўлади.

Бундан ташқари «Тошшаҳармевасабзавотсаноат» бирлашмаси бу йил биринчи марта марказий савдо ярмаркасини ташкил этмоқда. У Навоий кўчасидаги Шеърият хиёбони ҳудудида бўлади.

Ҳамшаҳарларимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ярмаркасини қайси вилоятлар шаҳримизнинг қайси туманларида уюштириши қизиқтириши турган гап. Боғбон ва соҳибкорларнинг дармондорига бой маҳсулотлари ҳамшаҳарларимизга қуйидаги манзилларда сотилади:

◆ Акмал Икромов туманида («Фарҳод бозори» ҳиссадорлик жамияти, Фарҳод кўчаси) — Андижон вилояти;

◆ Бектемир туманида («Сувчи» даҳаси) — Тошкент вилояти;

◆ Мирзо Улуғбек туманида («Ширин» бозори) — Фарғона вилояти;

◆ Собир Раҳимов туманида (Талабалар шаҳарчаси) — Сурхондарё вилояти;

◆ Сергели туманида («Сергели» бозори) — Наманган вилояти;

◆ Миробод туманида («Миробод» бозори) — Самарқанд вилояти;

◆ Чилонзор туманида (метронинг «Чилонзор» бекати теграсида) — Жиззах вилояти;

◆ Ҳамза туманида («Гулбоғ» бозори) — Қашқадарё вилояти;

◆ Шайхонтоҳур туманида (Навоий кўчаси, Шеърият хиёбони) — Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилояти;

◆ Юнусобод туманида («Олой бозори» ҳиссадорлик жамияти, «Юнусобод» бозори) — Хоразм, Тошкент, Навоий вилоятлари;

◆ Яккасарой туманида (Тўқимачилар саройи теграсида) — Бухоро вилояти.

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президент Ислом Каримов фармонлари билан бир қанча нефть ва газ саноати, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилари ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ва Кўкдумалоқ конидаги компрессор станциясини қуриш ва уни муддатидан илгари ишга туширишда фаол қатнашган хорижий мутахассислардан бир гуруҳи юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

● Ўтган куни Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «Самсунг Электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди.

● Кеча Президент Ислом Каримовга Миср элчиси Мамдуҳ Шавқий Мустафо Комил ҳамда Исроил элчиси Ноах Гал-Гендлер ишонч ёрлиқларини топширдилар.

● Транс-Осиё-Европа оптик тола алоқа линиясининг Ўзбекистон билан Туркманистонни туташтирадиган 178 километрлик Бухоро участкаси фойдаланишга топширилди.

● Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги таркибига кирувчи «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияларининг таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Уларда бу янги ташкилотларнинг низомлари, бошқа меъёрий ҳужжатлари тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди.

● Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 50 лекция ва семинар машғулотларини ўз ичига оладиган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» янги курси ўрганила бошланади. Бу курс давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига асосланган.

● Индонезиянинг БУЗТЕЛ компанияси янги базали станциясининг техник тақдимоти бўлиб ўтди. Фақат шу йилнинг ўзида бу компания республикада уяли телефон алоқасининг 10 та базали станциясини ишга туширади. Кейинчалик улар сони 18 тага етказилади.

● Андижон — Деҳли йўналиши бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари парвоз қила бошлади. Бу йўналишда ойига икки марта самолётлар учиши мўлжалланган.

● Конституциявий суд Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 августдаги «Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шаклига ўтиш тўғрисида»ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас деб топди. Бу қарор ўз кучини йўқотган, деб ҳам топилди.

## ЖАҲОНДА

● Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги делегацияси «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясига тайёргарлик доирасида Жанубий Африка Республикасида бўлиб, тегишли амалий маслаҳатлар ўтказди.

● Тожикистон ҳукумат қўшинлари исёнкор полковник Маҳмуд Худойбердиев бригадасини асосан тор-мор қилди. Бу бригаданинг кичик-кичик бўлинмалари тоғларга беркинди. Маҳмуд Худойбердиев ҳам бир гуруҳ тарафдорлари билан номаълум томон ғойиб бўлди.

● Бугун Алматида Москва мэри Юрий Лужков Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашади. Бу ерда икки пойтахт шаҳар ўртасида илмий-техникавий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоланиши кутиляпти.

● Бу йил Қозоғистонда дон ҳосили 13 миллион тоннага яқинни ташкил этиши мўлжалланмоқда.

● БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Л. Иброҳимий толиблар ва Бурҳониддин Раббоний коалицион ҳукумати вакиллари билан учрашди. БМТнинг махсус вакили афғон можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш йўлларини излаб топиш учун бу ерга келди.

● Камбоджада ҳукумат қўшинлари билан ҳокимиятдан четлаштирилган собиқ биринчи Бош вазир Нородом Ранарит тарафдорлари ўртасида жанглар давом этяпти. Ўзаро хунрезлик жонига теккан Камбоджанинг 20 минг нафардан кўпроқ аҳолиси бу мамлакатнинг Таиланд билан чегарасидан ўтдилар.

● Кеча Улан-Баторда Шимолий-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий анжумани иш бошлади.

● Бугун Эстония Президенти Леннарт Мерининг Литвага расмий ташрифи бошланади. Унинг бу мамлакат раҳбарияти билан музокараларидан асосан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ўрин олади.

● Президент Александр Лукашенко берган баёнотига кўра келгуси йилдан бошлаб Белоруссия дон импорт қилмайдиган бўлади.

● Япониянинг «Тойота» автомобиллари Германияда 1996 йилдаги энг яхши машина, деб топилди. У ёнилғини кам сарф қилиши ва атроф-муҳитга нисбатан кам зарар етказиши туфайли ана шундай баҳони олди.

● Янги аср бошига бориб ҳозир қиймати 2 миллиард доллар турадиган 170 тонна олтин билан савдо-сотиқни амалга ошираётган Туркиянинг Истамбул шаҳрида бу қимматли металл билан операцияларни яна 25 фоизга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Натижада фақат тилладан заргарлик буюмлари тайёрлаш ва улар билан савдо-сотиқ қарийб 1 миллион одамни иш билан таъминлаш имконини беради.

● Австралиянинг энг йирик Сидней шаҳрида 40 йилдан сўнг жамоат транспортидаги тиғизликни камайтириш мақсадида яна трамвайлар қатнови тикланди.

ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОҚЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР

*Хориж матбуоти Ўзбекистон ҳақида*

Frankfurter Allgemeine
ZEITUNG FÜR DEUTSCHLAND

# «ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ҚУДРАТЛИ БОЙ МАМЛАКАТ»

***Истиқлол йўлидан нурли истиқбол сари дадил одимлаётган озод юртимиз — Ўзбекистоннинг турли жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, иқтисодий ривожланиши хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, Германияда чиқадиган нуфузли матбуот нашрларидан бири — «Франкфуртер алгемайне цайтунг» (ФАЦ) газетаси яқинда республикамиз ҳаёти ва иқтисодиётига бағишлаб мақола эълон қилди. Қуйида ана шу мақола шарҳи билан танишасиз.***

Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет Иттифоқи парчалангач, мустақилликка эришган Ўрта Осиё давлатларидан биридир, дейилади мақола аввалида. Бу йил ўз Мустақиллигининг олти йиллигини нишонлашга тайёрланаётган Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бу республика иқтисодиётига барқарорлик туфайли мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун зарур бўлган хорижий сармоялар кўплаб жалб этилмоқда.

Германия Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик федерал вазири Шпрангер Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида республикада бу борада муваффақиятли иш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлди. Германия билан Ўзбекистон ўртасида республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 5,7 миллион немис маркаси миқдорида кредит ажратиш тўғрисида битим имзоланди. Ана шундай корхоналарни бунёд этиш ва маблағ билан таъминлаш Бонннинг Ўзбекистон билан олиб бораётган ҳамкорлик сиёсатида асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон қўшни Қозоғистон ёки Қирғизистонга қараганда иқтисодий салоҳияти жиҳатидан анча қудратлидир, дея эътироф этилади мақолада. 23 миллион аҳоли яшайдиган Ўзбекистонда саноат корхоналари мавжуддирки, бугунги кунда мазкур корхоналарни қайтадан таъмирлаб, ишга тушириб юбориш имкониятлари бор. Мамлакатда пахта етиштирилади. Тобора қуриб бораётган Орол денгизи пахта яккаҳокимлиги даврининг оқибатидир. Нефть ва табиий газ сингари хом ашё ресурслари Ўзбекистонни бой мамлакатлар қаторига қўшмоқда.

Ўзбекистонга Президент Каримов ҳормай-толмай раҳбарлик қилиб келмоқда, деб давом этади мақола муаллифи. Мамлакатни олға ривожлантиришнинг ўзига хос йўли бўлмиш барқарорликка бўлган интилиш бор. Қирғизистон пойтахти Бишкекда бошқача манзарага дуч келасиз. У ерда қоронғи тушгандан сўнг чет элликлар кўчага чиқишга ҳам юраклари бетламайди, Тошкентда эса бехавотир юриш мумкин.

Ўзбекистонда тартиб-интизом тушунчаси нақадар муҳим аҳамият касб этишини биргина Темурийлар тарихи музейининг бунёд этилиши жараёнидан ҳам билиб олса бўлади. XIV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда туриб, чегаралари Москов ва Босфордан то Ҳиндистонгача ястаниб ётган давлатни бошқарган саркарда ва давлат арбоби, жаҳонгир Амир Темур хотираси ва Темурийлар даври тарихига бағишланган ушбу музейни Президент Каримов Тошкент марказида шарқона услубда қисқа вақт ичида қурдирди. «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг шундоқ яқингинасида қад кўтарган, феруза гумбазлари товланиб турган айлана шаклида бунёд этилган ушбу музейда бўлсангиз, Темур ва Темурийлар даври тарихидан воқиф бўласиз. Бир неча одим нарида, сўлим хиёбон узра от минган Темурнинг бронзадан ишланган ҳайкали салобат-ла қад ростлаб турибди.

Мазкур иншоотнинг бунёд этилиши бугунги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган вилоятларнинг тарихи ва маданиятига бўлган муносабатни ҳам ифодалайди. Маркази қадимий шаҳар Хива бўлган Хоразм вилояти, Бухорои Шариф ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ўзбекистон телевидениеси ҳар оқшом биринчи дастур орқали Бухоро ва Хивадаги машҳур ёдгорликлар ҳақида мунтазам кўрсатувлар бериб боради. Бундан кузатилган мақсад, аҳоли ўртасида халқнинг ўтмиш меросига бўлган фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиш ва уни янада мустаҳкамлашдан иборат. Кузда Ўзбекистон Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйини нишонлайди. Ана шу мақсадда шаҳардаги кўплаб мадраса, карвонсаройлар, минора ва бозорлар таъмирланмоқда. Бухоро бундан минг йиллар муқаддам, Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида маданий Уйғониш даврини бошидан кечириб, гуллаб-яшнаган. Мўғуллар истилосидан сўнг, XVI асрда бу ўлка яна маданий ривожланиш сари юз тутди. Миллатнинг шаклланишида асарлари туркий чиғатой тилида бизгача етиб келган ўрта аср шоири Мир Алишер Навоийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистонда иқтисодиётда режа хўжалигидан бозор шароитларига ўтиш жараёни амалга оширилди. Бунинг афзаллик, фойдали томонлари бўлса-да, қийинчиликлари ҳам йўқ эмасди. Бу йўлда ҳали яна тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади.

Бугунга келиб, мамлакатда етмишга яқин немис фирмалари фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистонда Германия ёрдамида менежерлар тайёрланмоқда. Улар орасидан хотин-қиз тадбиркорлар ҳам етишиб чиқаётганлиги диққатга сазовордир, дейилади ушбу мақола сўнгида.

*Мирзаали АКБАРОВ тайёрлади.*

*Бандлик*

# ҲАМ МАҲСУЛОТ, ҲАМ ИШ ЎРНИ

***Кейинги вақтда Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси жойлардаги кичик корхоналар ва хусусий фирмалар билан ҳамкорликда иш юритишни анча яхши йўлга қўйди. Бундай услуб тадбиркорга ҳам, иш ахтариб юрганларга ҳам фойдали бўлмоқда.***

Мана бир мисол. «Дармон К⁰» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг бошлиғи Кенжабой Ҳайитбоев 1995 йили иш фаолиятини бошлади. Унга олди-сотди йўналишидан кўра кўпроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш маъқул кўринди. Шу боис макарон ишлаб чиқарадиган кичик дастгоҳ олиб ишлата бошлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли бўлгани билан миқдори кам бўлгани учун у яна изланишга киришди. Кичкинагина дастгоҳда бир кунда атиги 200 килограмм макарон ишлаб чиқариб фирма ишини ривожлантириш қийинлигини тушуниб етган Кенжабой банкдан қарз олишга уриниб кўрди. Фойда бўлмади. Натижада у аҳолини иш билан таъминлаш бош бошқармасига мурожаат этиб, шу идора ёрдамида ишлаб чиқаришни яна давом эттирди.

— Бошқармага мурожаат этмасимдан олдин фақат бир хил макарон чиқарар эдик, — дейди Кенжабой Йўлдошевич. — Бу мени қониқтирмас эди. Устига-устак турли хилдаги вермишель, рожки маҳсулотларига талаб кучайди. Аҳоли талабини ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни кенгайтирдик. Натижада бандлик хизмати тавсия этган ишсизларни иш билан таъминлашга имконият яратилди. Бунинг учун бизга яна қўшимча 400 минг сўм маблағ ажратилди. Ана шу маблағга янги дастгоҳ сотиб олдик. Иш жадаллашди. Мана ҳозирги кунда бир кунда бир тоннага яқин 8-9 хилдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Қўйлиқ ва Паркент бозорида савдо нуқталаримиз бор. Ҳозир жамоамиз тўққиз кишидан иборат. Шундан тўрт нафарини меҳнат биржаси тавсия этган.

Иш тизимимиз корхона-бозор услубидадир. Яъни тайёр маҳсулот тўғридан-тўғри бозорга жўнатилади. Воситачисиз ишлаймиз. Шунинг учун ҳам бир килограмм макарон 60 сўм. Агар воситачи биздан олиб сотганда унинг нархи 70 сўмга чиқиши мумкин эди. Мақсадимиз — арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўлгандан кейин шунга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бундан ташқари бугунги савдодан қолган маҳсулот эртасига бирмунча арзонроқ қилиб сотилади. Бунинг боиси тайёр маҳсулот туриб қолмай, айланма маблағни, яъни сарф этилган харажат ўз вақтида қопланишига одатланганмиз. Шунингдек кам таъминланган оилаларга ҳам вақти-вақти билан ёрдам бериб турибмиз. Кимда-ким макарон маҳсулотлари тайёрлашни ўрганишни истаса фирмамизга марҳамат...

Панелли даҳасидан жой олган бу хусусий фирманинг фаолиятидан кўпчилик мамнун. Шу боисдан ҳам улар тайёрлаган маҳсулотлар харидоргир бўлмоқда. Маҳсулот сифатли бўлишида таъминотнинг ҳам роли катта. Ишчилар ўз касбининг устаси бўлиб боришаяпти. Ишсизлар иш билан аҳоли эса сифатли маҳсулот билан таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда худди «Дармон К⁰» хусусий фирмаси сингари кўплаб фирмалар ва кичик корхоналарда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси томонидан тавсия этилган ишчилар меҳнат қилишмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз кичик корхоналар ва фирмаларга фақат ёрдам берибгина қолмай, қўшимча ишчи ўринларини ташкил этишдан иборатдир, — дейди меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасининг бош мутахассиси Алишер Сулаймонов. — Иш фаолиятини бошлаган фирмалар кўплаб муаммоларини ўзлари ҳал этадилар. Натижада битта ишчи бир нечта касб эгаси бўлиши ҳам мумкин. Устига-устак мутахассислар хом ашё таъминотини, дастгоҳларни таъмирлашни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Мана шу томондан улар билан ишлаш бизга қулай келмоқда.

Бу йил Инсон манфаатлари йили. Меҳнатга чанқоқ ишчилар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, янги-янги иш жойларини ташкил этиб, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарсак барчамизнинг кўнглимиз шод бўлади.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: «Дармон К⁰» хусусий фирмасининг директори Кенжабой Ҳайитбоев; тайёр маҳсулотлар; оператор Акбар Шокиров иш устида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





*Моҳир муаллимларимиз*

# АЛЖАБР ОЛАМИНИНГ БИЛИМДОНИ

***Халқимизда «Ҳаётда ўз ўрнини топган» деган ибора бор. У кўпинча бирор касб-ҳунарни мукаммал ўзлаштирган, шу орқали одамлар ўртасида обрў қозонган инсонга нисбатан ишлатилади. Ҳаётда ўз ўрнини топиш учун одамга шуларнинг ўзи кифоя қиладими?***



Дарс тугашига қўнғироқ чалиниб, болалар синфдан чиқишаётган пайтда бир ўқувчининг иккинчи ўқувчини мазах қилиб чақиргани муаллим қулоғига чалинди. Шунда у болаларни синфга қайтариб:

— Умар Ҳайём ким эканини биласизларми, — дея сўради.

— Анави Умар-да, — деди болалардан бири иккинчисига ишора қилиб ҳазиллашгандай. Кулги кўтарилди. Баҳс бошланиб, тобора жиддий тус олди. Муаллим ўша заҳотиёқ қўшимча дарс кунини белгилади. Қўшимча дарсда муаллим жаҳонга машҳур Умар Ҳайёмнинг ҳаёти, ижоди, дунё фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида, жумладан математикага оид қимматли асарлар битгани хусусида батафсил сўзлади.

Бу воқеага Акмал Икромов туманидаги 4-мактабнинг илмий мудири, математика ўқитувчиси Раҳматилла Каримов гувоҳ бўлган. Чунки Умар Ҳайём, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино каби зотлар ҳаёти ва ижоди муаллимни кўпдан қизиқтириб келади. Ўйлаб қараса уларнинг ҳаммаси илмга борлиқларини бағишлаганликлари, инсон тафаккури кўп нарсага қодир эканлигини эътироф этганлари сабаб замона қаттоллигидан кўп азият чекишган. Аммо ўз эътиқодларига содиқ қолишган. Уларнинг буюклиги ҳам шунда. Шу сабабдан бўлса керак муаллим бу улуғ зотлар ҳақида ҳар бир ўқувчи билиши шарт деб ўйлайди.

— Мактабда математика фани ўқитилишидан мақсад болалар келажакда кундалик турмушда оддий ҳисоб-китобни билишлари учунгина эмас, — дейди Раҳматилла Каримов. — Бинобарин математикани ўрганиш ўз ичида жуда катта тарбия жараёнини мужассам этган. Бугунги кунда педагогиканинг асосий мақсади болани иложи борича кўпроқ фикрлашга ўргатиш бўлмоғи керак. Фикрлашни ўзлаштирган бола ҳар қандай шароитда ҳам тўғри йўл тутади. Шунинг учун ҳам математикани яхши биладиган боладан асло ёмонлик чиқмайди. Чунки бу фан болани фикрлашга, таҳлил қилишга, тўғри хулоса чиқаришга, ҳалол меҳнатга ўргатади. Уни яхши билган бола бошқа фанларни ҳам осонлик билан ўзлаштириб олади. «Математика ақлни пешлайди» ёки «Математика фанлар шоҳи» деган иборалар бекор айтилмаган.

Раҳматилла Каримов математика фанига ёшлигидан қизиқди. Бу соҳанинг ҳаёт мазмунига айланишида эса отаси Тошбой отанинг ҳиссаси катта бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, мактабда 55 йил давомида ёш авлодга математикадан сабоқ берган бу инсоннинг ўғлини алқаб қилган дуоси беиз кетмади.

Раҳматилла ота истаганидек ҳалол, меҳнатсевар, ўз касбининг фидойиси бўлиб етишди. 32 ёшида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси унвонини олди. Шунингдек у «Фидойи ўқитувчи» кўкрак нишонининг ҳам соҳибидир.

Мана, 20 йилдирки, Раҳматилла Каримов мактабда математикадан сабоқ бериб келмоқда. Шунча йиллик иш тажрибасига эга бўлишига қарамай муаллим ҳамон изланишда, кечаги дарси бугунгисига, бугунгиси эртангисига ўхшамайди. Мунтазам изланишда бўлиш ўз натижаларини бермай қолмади. 1991 йил туман миқёсида ўтказилган илмий-услубий кўргазмали қуроллар кўрик-танловида Раҳматилла Каримов ўзи ижод қилган «Фазовий Декарт координатлари тизими» ҳамда «Стереометрик фигуралар» универсал қурилмаси билан қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Уларнинг биринчиси ўқувчиларда текислик ва фазо тушунчаларини ажратиб олишга кўмаклашади. Чунки кўргазмали қурол бўлмагач, ўқувчи доимо текисликдаги декарт координатлари тизими билан бўр ва доска орқали танишиб келган. Фазодаги координатлар тизимининг кўргазмали қуроли ўқувчида назарияни амалиёт билан боғлаш учун яна бир бўғин ҳисобланади. Иккинчиси эса ўқувчининг фазовий тасаввурини кенгайтириб, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Ўзи учун керакли фазовий фигурани ўз қўли билан ясагач, аста-секин ўзиникини ижод қила бошлайди. Ушбу кўргазмали қуролдан 30 дан ортиқ геометрик шакллар чиқариш мумкин.

Шаҳар миқёсида ўтказилган шундай кўрик-танловда мазкур ихтиролар яна ғолиб бўлиб, республика беллашувига тавсия этилди. Бу поғонада ҳам мазкур кўргазмали қуроллар мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, ижодкор ўқитувчига «Ўзэкспомарказ»нинг махсус нишони берилди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тавсиясига кўра юқорида келтирилган икки кўргазмали қурол «Тошавтоматика» корхонасида тайёрланмоқда. Тез кунларда Раҳматилла Каримовнинг бу ихтироси кўпайтирилиб, республика мактабларига тарқатилади.

Ҳаётда танлаган касбидан афсус қилмайдиган одамлар кўп. Раҳматилла Каримов ҳам математика ўқитувчиси бўлганидан афсусланмайди.

«Ҳаётда ўз ўрнини топган» деган ибора ҳар қандай одамга нисбатан ишлатилавермайди. Бундай даражага эришиш учун маълум касбни мукаммал эгаллаш, унинг орқасидан рўзғор тебратиш, обрў қозониш кифоя эмас. Унга лойиқ бўлган инсон аввало маълум бир ишга чин дилдан эътиқод қўймоғи, ҳаётнинг пасту баланд йўлларида ҳам ундан воз кечмаслиги, энг муҳими, шу ишни умрининг мазмуни деб билмоғи шарт.

Муаллим Раҳматилла Каримов ҳақида битилган юқоридаги сатрлар шундай хулосага келишга ундайди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

***«Биёна ва яна бир неча менга бўйин эгмаётган қалъаларни ўққа тутиш мақсадида Устод Али Қулига катта замбарак қуйишни буюрдим. У барча тараддудни кўриб бўлиб менга хабарчи юборди. Шанба, муҳаррам ойининг 15-кунида биз Устод Али Қулини замбарак қуйишини кузатиш учун бордик. Қуйиш жойда 8 та қозон ўрнатилган ва асбоб-ускуналар ёйилган эди. Ҳар бир қозон тубидаги тарновлар қолипларга тортилган. Устод Али Қули тарновлар оғзини очди, эриган мис сувдек оқиб қолипларга қуюлди. Икки кун ўтди, қолиплар совиди, сўнг улар очилди. Замбаракларнинг тарнов қисми тайёр бўлди. Уларни қолипдан чиқарди ва сайқалланди, сўнгра дорихонасини қуйишга киришди».***

*Мозий*

# ОЛОВ ПУРКАГАН ЗАМБАРАКЛАР

Бу сатрлар шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан олинди. Бобур Ҳиндистонга юриш пайтида Биёна қўрғони ва унга ёндош қалъаларни забт қилишда замбараклар ишлатишга қарор қилади. Чунки бу қўрғонлар дурустгина истеҳкомдан иборат эди. Замбарак қуювчилар бошлиғи Устод Али Қулига 8 замбарак тайёрлашни буюради. Тараддуд ишлари ниҳоясига етгандан сўнг, Устод қуйиш жараёнини томоша қилиш учун Бобурни устахонага таклиф қилади. Замбараклар қолипларга қуюлиб бўлгандан сўнг шоир Устоднинг санъатини мукофот билан тақдирлайди. Жараён икки қисмдан иборат бўлди: дастлаб замбаракнинг юқори қисми, сўнгра пастки қисми қуйилади, охирида қисмлар бириктирилади.

Қадимда Хитой, Европада тош ирғитадиган машиналар бўлган. Амир Темур қўл остида ҳам шундай машиналар бор эди. Кейинги даврлардаги хон ва амирлар қўшинлари таркибида тўп билан қуролланган махсус бўлинмалар бўлган. Артиллерия даври XIV асрдан бошланган. Бу пайтга келиб тўплар кемаларга ҳам ўрнатилган. Дастлаб тўплар ёғоч тагликка жойлашган, карнай шаклида бўлиб, ўқ ўрнида темир, тош бўлаклари отилган. XV асрда тўплар мис ва бронзадан ясалди. Аввал замбараклар қамал ва ҳимоя мақсадлари учун ишлатилган бўлса кейинчалик дала жангларида ҳам қўлланилди. XVI асрда тўплар пиёда ва отлиқ аскарларга ёрдам берувчи мустақил қўшин тури бўлиб шаклланди.

Бобур замонига мансуб замбараклар намуналари Ўзбекистон халқлари Тошкент, Бухоро, Санкт-Петербург, Москва, Боку, Қўқон тарихий музейларида намойиш этилган. Темур замонида Тўхтамишни Москва халқи князь Дмитрий Донской бошчилигида Бобур замбаракларига ўхшаш қуроллардан ўқ отиб шаҳар остонасига яқинлаштирмади. Сўнгра Тўхтамиш ҳийла-найранг билан шаҳарни босиб олишга муваффақ бўлди.

Амир Темур бисотида тош отувчи қуроллар қаторида нафтандоз номли кучли асбоб бўлган. У жангу жадалларда ёғийларга қирон келтирган, эртаклардаги аждаҳодек ёв устига олов пуркаган. Сиртдан қараганда бамисоли саҳро қуюнини эслатарди. Бобур армиясида эса бу қурол йўқ эди. Аммо тарихда «Панипат жанги» номи билан машҳур бўлган жангда Деҳли яқинида Бобур душманга қарши «тўлғама» ҳарбий тактикани қўллашда порох таъсирида отадиган қуроллар — тўффакни ишлатади. Бу ерда у замбараклардан фойдаланган.

Профессор Ашраф Аҳмедовнинг ёзишича, XVI асрда Самарқанд вилояти ҳокими Султон Саъидхоннинг тўпчибошиси Мир Тўлак маст ҳолда Амир Темур дахмасига кириб, гумбаз шифтига осилган зарҳал қандилга тўффакдан ўқ узади. Қандилнинг бир бўлаги узилиб тушган ва чил-чил бўлган. Қадимда Наврўз сайлида Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнидаги тепаликка сигир шаклида нишон ўрнатилган. Уни тўпдан ўққа тутганлар. Ўқнинг ҳар иккитаси бир туяга юк бўлган (чамаси 200—300 килограмм).

Милтиқ (ўқотар қурол) XII асрда араб мамлакатларида пайдо бўлди. Мовароуннаҳрда XIV—XV асрларда тарқалди. У ёғоч дастага маҳкамланган қувурдан иборат пилик билан ўт олган. Халқ орасида «пилта милтиқ» номи сақланган. XIV асрда силлиқ стволли тури чиқарилди, унинг вазни 70 килограмм эди. XVI асрда мушкет милтиғи бинога келди, вазни 8 килограмм 200 қадамдаги нишонни урган. Россияда XIX асрда затворли, патронли «Берданка» ихтиро қилинди, 1890 йилда «бешотар»га ўтилди. Рус ихтирочиси С. Мосин 1930 йилда унга баъзи ўзгаришлар киритди.

Порохни ихтиро қилиш унча мураккаб эмасдек туюлади. Натрий ёки калий селитраси 300 даражада эритилади, қиздириш давом этилса кислород ажралиб чиқади. Эриган селитрага қиздирилган кўмир парчаси ташланса тезда ёниб кетади. Селитранинг бу хусусияти туфайли ундан саноатда қора порох олинади. Бу мақсадлар учун асосан аммоний нитрат ва калий нитрати кўпроқ ишлатилади. Чили давлатида селитранинг табиий равишда ҳосил бўлаётган улкан кони мавжуд. Ундан 150 йилдан бери хом ашё қазиб олинмоқда. Марказий Осиёга селитра «Ипак йўли» орқали келтирилган. Қадимда кимёгарлар порох тайёрлаш мақсадлари учун ундан кенг фойдаланганлар.

Порох икки хил бўлади: тутунли ва тутунсиз. Дастлаб тутунлиси ихтиро қилинган. Вақти номаълум. Аввал Хитойда пайдо бўлган деб тахмин қилинади, сўнгра араб мамлакатларига Буюк ипак йўли орқали тарқалган. Европада 13 асрдан бошлаб қўлланилади. Тутунли порох ҳарбий мақсадлар учун 1232 йилдан бошлаб Чингизхон армиясига қарши гуннлар Бян шаҳри қамали пайтида ишлатишган. Порох чўян хумларда ёндирилиб девор устидан ирғитилган. Портлов натижасида чўян парчалари душманга катта талафот етказган.

Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлардаги (Филиппин, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Индонезия, Иордания, Уммон, Саудия Арабистони, Покистон, Бирма, Таиланд, Малайзия) маълум конларда миснинг аниқланган заҳираси 70 минг тонна ёки жаҳон миқёсида олинаётган металлнинг 12 фоизини ташкил этади. Шу жумладан Эронда 15000 тонна, Ҳиндистонда 10.000 тонна, Афғонистонда 9.000 тонна, Туркияда 5.000 тонна, Иордания, Уммон, Покистон, Саудия Арабистонида 1000—2000 тонна мис заҳираси аниқланган. Булар ичида салмоқли конлар Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркияда жойлашган.

Бобур ҳарбий мақсадлар учун маъданни юқорида зикр этилган мамлакатлар ичида Афғонистон (Айнак, Дарбанд), Ҳиндистон (Майсар), Покистон (Сайндак) конларидан олган дейиш мумкин. У ўз асарида замбараклар ҳақида қисқа маълумот берган холос. Лекин ўқувчида талайгина саволлар туғилади: замбарак учун қолиплар қаердан олинди, тўпларнинг ҳажми, вазни, умуман уларнинг техник таърифи, ўқлари қандай тайёрланган, улар отилганда неча метрга етиб борган, тўпчилар бўлинмаси, тўплар қаерда ва қандай сақланган, нима воситасида уларни судраб юрган, замбарак қуйиш учун маъданни қаердан қазиб олган ёки ташиб келганлар, уни эритиш учун қандай ёқилғи ишлатилган, Ҳиндистонга юришдан олдинги жангларда ҳам замбараклар ишлатилганми, маъданни саралаш, бойитиш ишлари ўтказилганми? Бундай саволлар жавобсиз қолган. Балки замбараклар ва тўпчилар ҳақидаги маълумот ҳарбий сир ҳисоблангандир. Армиядаги тўпчилар бўлинмаси ҳақида, қурол-аслаҳа таъминоти, уларни сақлаш ва қўриқлаш заҳираси, тўпчилар машқлари ҳақида бирор оғиз сўз йўқ. Шунингдек замбаракнинг техник таърифи, хусусан узунлиги, оғирлиги, ўқнинг учиш масофаси, уларни силжитиш воситалари, отиш услублари ҳам сир сақланган. Худди шу ҳолат Амир Темур ҳақидаги манбаларда ҳам кузатилган.

*Зокиржон МАШРАБОВ,*
*Халқаро Бобур жамғармасининг президенти.*
*Қўзибой ҚОРАБОЕВ,*
*геология-минералогия фанлари номзоди.*

# «ОМАД ХАЛТАЧАСИ»ДА — «НЕКСИЯ»

**_Эҳтимол газетамизда «Инвайт+» совғалари ўйналиши тўғрисидаги хабарни ўқиган айрим муштарийлар машина эгаси бўлишлари мумкинлигига унчалик ишонмагандир. Лекин «Инвайт+» 10 та халтачасини тўплаб, уларни «Инвайт—совға» ўйини ташкилотчилари манзилига юборганлар тўғри йўл тутишди._**

Ана шундай икки минг кишидан 500 нафари ёки ҳар тўрт кишидан бири «омад халтачалари» совғаларига — эсдалик буюмларидан тортиб, телевизор ва музлатгич, чанг юткич ва микротўлқинли печ, велосипедлар ҳатто «Нексия» автомобили эгаси бўлишди.

Ўтган шанба куни — 16 августда юзлаб тошкентликлар «Олой» деҳқон бозорининг ёпиқ павильонида «Инвайт+» ва «Элис» совғалари биринчи ўйинининг иштирокчилари бўлдилар. Маълумки, бу ўйин ташкилотчиси «Инвайт» савдо маркаси эгаси бўлган «Си-Про» трансмиллий концернидир. Бу савдо маркаси бир зумда тайёрланадиган 15 турдан кўпроқ маҳсулотни безаб турибди.

«Омад халтачалари» жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида оммалашиб кетган. Эндиликда «Си-Про» компанияси туфайли бу маҳсулотлар бизда ҳам пайдо бўлди. Концерннинг Ўзбекистон бозорига кириб келиши тасодифий эмас. «Си-Про» энг аввало бозорни ўрганишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширади. «Инвайт-совға» ўйини концерн томонидан амалга оширилаётган бу маркетинг тадқиқотларидан биридир.

— Ўйиннинг биринчи босқичида 2 минг нафар одамнинг иштирок этиши Тошкентдек улкан шаҳар учун ҳам керагидан ортиқча деса бўлади, — ўз фикрини билдирди «Си-Про» концернининг жамоатчилик алоқалари бўйича директори Р. П. Меркун. — Ишончим комилки, ўйинимизнинг иккинчи босқичида қатнашчилар сони янада кўпаяди. Демак янада кўпроқ одамлар савдо маркамиз билан таниш бўлади ва уларга «омад халтачалари» маъқул тушади. Ўзбекистон катта имкониятлар мамлакатидир. Шунинг учун компаниямиз республика иқтисодиётига йирик сармоялар қўйишни режаламоқда. Жумладан, ҳозирги пайтда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда бир зумда тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган заводни бу ерда қуриш имкониятлари муҳокама этиляпти. Менга Тошкент жуда ёқиб қолди. Шарқ меъморчилиги билан уйғунлашиб кетган ўта замонавий бинолар шаҳар кўркига ўзгача қиёфа бахш этади. Айниқса, Тошкент бозорларининг чиройига қойил қолдим. Бу ҳукуматингизнинг деҳқонлар тўғрисидаги чинакамига ғамхўрлиги ифодасидир. Тошкентда албатта яна бўламан, деган умиддаман.

Биз Роберт Петрович билан суҳбатлашар эканмиз, Ўзбекистон телевидениесининг сухандони Алишер Бадалов ўйин бошланганлигини эълон қилди. Бу тадбир ажойиб кўнгилочар томошага ҳам айланди. Ютуқ чиққан рақамлар эълон қилинар, омади чопганлар компьютер орқали қидирилар экан, саҳнада ўзбек эстрадасининг ёш истеъдодлари санъатларини намойиш қилардилар.

Ҳаммани бош мукофот — оппоқ «Нексия» енгил автомобили кимга насиб қилиши қизиқтирганлиги тушунарлидир. Бу омади чопган инсон тошкентлик Муқаддас Хўжаева бўлиб чиқди. Ўйиннинг биринчи ютуғи чиққан Равшан Шермонбоев ҳам мамнун бўлди. У «Си-Про» «Сега» ўйин мосламасини совғага олди. Бу жуфт билан 498 омади чопган кишига ҳам турли совғалар топширилди.

Энди сентябрь ойи охирида бўладиган ўйиннинг иккинчи турида ана шундай омадли 500 киши яна бир «Нексия» автомобили ва бошқа совғалар эгалари бўладилар.

Бу ўйинда иштирок этиш учун ўнта «омад халтачаси» Бош почтамтга ёки «Олой» деҳқон бозорининг марказий павильонига 15 августдан 24 сентябргача жўнатилиши лозим. Ўшанда ўз «омад халтача»ларингизни очиб кўрсангиз, эҳтимол, сиз ҳам совғага «Нексия» ютиб олишингиз мумкин.



*СУРАТДА: «Инвайт+» совғалари ўйини ўтказилаётган пайтда.*

*Валерий Харитонов олган сурат.*





*Янги ўқув йилининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу кунларда шаҳримизнинг қай бурчагига қараманг китоб савдоси бўлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу йил ҳам болажонларимиз учун бир қанча янги ўқув ва бадиий китоблар чоп этилди. Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар билан бир қаторда ота-оналар учун ҳам бир қанча тўпламлар нашрдан чиқди.*

*СУРАТЛАРДА: китоб савдосидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Биласизми?*

## АВИАЦИЯГА ҚАДАР

Ҳавода шарлар ёрдамида сузишни авиациянинг «акаси» дейиш мумкин. Енгил газ тўлдирилган ҳаво шарлари ва дирижабллар аэростатлар деб аталган. Дастлаб шарлар илитилган ҳаво билан тўлдирилган. 1783 йили француз ихтирочиси Жозеф Монгофье печь мўрисидан кўтарилаётган кўкимтир «устун»га қараб туриб тутунни қоғозга йиғишга уринган. XIX аср ўрталарида Францияда бошқариладиган, двигателли аэростат дирижабли учирилган. Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, ҳаводан енгил эмас, аксинча, оғирроқ аппарат — самолёт фазога кўтарилган. Шу тариқа авиация вужудга келган.

## КИТОБ НАШР ҚИЛИНГУНГАЧА

Илгари китоблар қўлда кўчирилган. Ёки сўзлар тахтага ўйиб ёзилган-да, унга бўёқ суркаб устидан қоғоз ёпишган. Қарабсизки, китоб саҳифаси тайёр бўлган. Лекин тахтага ўйиб ёзиш учун жуда кўп вақт сарфланган. XI асрда хитойликлар матнни алоҳида-алоҳида ҳарфлар билан йиғиш йўлини топишган. Европада китоб босиш XV асрда одат тусига кирди, босма машиналар эса ўтган асрдагина пайдо бўлди. Китоб босиш техникаси бундан минг йил муқаддам Месопотамияда савдо шартномаларини тасдиқловчи муҳрлардан бошланган.

## ТИШ ПАСТАСИГАЧА

Ҳозир кимдир туйиб майдаланган шиша билан тиш ювса, бошқалар уни телбага чиқариши турган гап. Бироқ бундан 300 йил муқаддам бу мақсадда шишаю кул, жун, қиздирилган суягу ҳайвон шохлари ҳам ишлатилиб кўрилган. Улардан турли оддий ва мураккаб, қолаверса, хавфли аралашмалар тайёрланган. Кейинчалик уваланган бўрдан фойдаланилган ва ниҳоят, тиш пастаси — тиш ювувчи модда ҳосил қилинган.

## ҚОРАТОШ

Қалам рус тилида «карандаш» дейилишини яхши биласиз. Лекин карандаш русча сўз эмас, балки туркча, «қора» ва «тош» сўзларининг бирикмасидан ясалган. Писта кўмир бўлаги энг қадимий қаламдир. Ундан кейин қўрғошин ва сланец парчалари қалам вазифасини ўтаган. Кейинчалик XVI асрнинг иккинчи ярмида графит билан чизишган, сўнг уни ёғоч ичига жойлаш йўлини топишган. Ҳозир қалам ичидаги «қора тош» графит ва лой аралашмасидан тайёрланади.

*Назира НАЗАРОВА тайёрлади.*

*Мунособат*

# ЙИГИТЛАРГА НОЗ ЯРАШМАЙДИ

**_Йўлим тез-тез «Никоҳ уйи» рўпарасидан ўтади. Айниқса, шу кунларда бот-бот чақмоқдек бўлиб чиқиб келаётган келин-куёвларни кўриб кўзим қувнайди. Сал берироқдан туриб, бу жуфтларга мафтун бўлган ҳолда атрофларини қуршаб олган қутловчилар қаторида дил-дилимдан боқий бахт тилайман..._**

**_Шу билан бирга минг истиҳола ила бугун куёвлик сарполарини кийган ва шунга тараддудланаётган укаларимнинг айримларини севги, муҳаббат, оила каби тушунчаларга бўлган қарашлари хусусида баъзи мулоҳазаларимни баён этгим келди..._**

Куни кеча бекатда турган эдим. Бир гуруҳ қизларнинг нима ҳақдадир баҳслашишаётганини эшитиб қолдим. Дугоналари ичида янги турмуш қурган келинчак ўртоқларидан маслаҳат сўрагандек аҳволини тушунтираётгани менинг ҳам қулоғимга чалинмай қолмади.

— Қизлар, яқинда Аҳмад акамнинг туғилган кунлари, нима қилишга ҳайронман-а?

Шунда қизлардан бири:

— Вой, Наргиз, яқинда тўйинглар бўлган бўлса, ҳали сарполарнинг ҳаммасини кийиб улгурмагандирлар поччамиз, — деса, ҳалиги келинчак хижолатомуз, деди:

— Тўғри, ҳали қишлик кийимлари очилмаган ҳам-у, лекин шу... уйингдагилар бира-тўла чарм куртка олиб келиша қолсин, униси сарпода йўқ эди, бошқа ўртоқларимнинг қайнотаси «Куёв чақириқ» қилиб кийгазган эди, — дейптилар-да... Уҳ-ҳ, шунга жуда бошим қотди... Ўша куртка унча-мунча пул турмаса...

Дугоналари яна саволга тутишди:

— Ойингларга айтиб кўрдингми?

— Анави куни борганимда бир учини чиқазган эдим. Лекин очиқ айтишга ботина олмадим, тўғриси. Ахир яқингинада тўй бўлган бўлса, битта мен эмаску болалари. Катта опамга ўғил тўйи тараддуди, синглимга ҳам совчилар келаётган экан... Ўзи бўладими ахир? Эй-й, хуллас қийин экан-да...

— Мана шундай гапириб поччамизга тушунтирмадингми? — дейишди қизлар дугоналарига ачинганнамо.

Келинчак эса ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Айтганимда «Битта курткачалик куёвлик обрўйим йўқ экан-да, керак эмас, айтмай қўя қол», деб қовоқ-тумшуқ қилиб олсалар бўладими...

Автобус келиб ҳамма ўз борар манзилига тарқаб кетган бўлса-да менинг ўша келинчагу, унинг эри ҳақидаги ўйларим ҳали-ҳануз тарқаганча йўқ.

Шу кунларда шаҳримизда қулоққа чалинаётган бу каби гап-сўзлар киши ғашини келтириб таажжуб уйғотади. Қачондан буён куёвлик «обрўси» қайнона-қайнотанинг совға-саломларига қараб ўлчанадиган бўлиб қолди ўзи?

Кекса онахонларнинг шундай хотираларини ички бир энтикиш билан тинглайман.

— Илгари иккита бўғчаю, тўртта кўрпача билан келиб, бир арава аёллар ўйин-кулгуси билан тўйлар ўтказар эдик. Бугундаги дабдаба-ю, ортиқча йўқловлар бўлмаса-да, одамлар анча муҳаббатли, андишали эди. Ҳа, орият кучли бўлган, — дея эслайдилар. Ҳамма буд-шудини ўз меҳнати билан эплаб юришар эди. «Эр кишининг бирор нарса таъма қилиши у ёқда турсин, аёлига ҳаддидан ортиқ юмуш буюриши ҳам уят ҳисобланарди», — дейишади.

Мен эса момоларнинг ўтмишларини худди чўпчак тинглагандай тинглайман.

«Замондош, юртдош, миллатдош укажонларим, ахир шулар бизнинг, сизнинг бобо-ю бувиларимиз эмасми? Ул диёнатли, ориятли инсонларнинг зурриёти қалбига дунёпарастлик қачон уя қурди экан», — деб ҳайқиргим келади.

Маҳалламиздаги бир шаддод онахоннинг қўшнилар билан суҳбатлашаётганларининг гувоҳи бўлдим.

— Неварамга биров дараклаган жойга борган эдим. Бирам бамаъни, бирам тарбияли оила эканки, остонадан киришим билан меҳрим тушиб қолди, денг. Қизи ҳам попукдеккина экан. Энди шуни неварам тушмагурга келиб айтсам, «Дадаси қаерда ишлар экан?» — деб осмондан келади-я. «Ҳа, анча меҳнаткаш одамлар экан, мана... ҳалиги бир корхонада дадаси анча йиллардан бери ишлаётган экан», — десам дабдурустдан: «Эй, бўлмайди, қуруқ экан-ку», деб ўтирибди-я. Ундан кўра қизни сўра, ишини, ўқишини суриштир, орқаваротдан кўриб, гаплашиб кўришга ҳаракат қил, — деб уришиб бердим. Ҳозирги йигитларга ҳайронсан-а, қизидан олдин отасининг иш жойини суриштиришади. Отасини оладими ёки қизиними? — дея ярим ҳазил, ярим чин оҳангда куюнчаклик билан гапирардилар опоқим.

Бу гапларим ғайритабиий туюлаётган йигитларимиз кўнглидан «Қизлар ҳам жуда анойи эмас-ку, йигитларни саралашади», деган эътироз ўтган бўлса эҳтимол... Лекин «Қиз боланинг нози, асосан, турмушга чиққунча бўлади» деган гап бор. Нозфироқ йигитларга хос эмас ахир.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда: «Ҳар бир нарса охири билан баҳоланади, оила қуришдан мурод ували-жували, пири бадавлат бўлиш», — дейилади. Ва яна «Ким Оллоҳга ишониб, савоб умидида уйланса, Оллоҳ уларга ёрдам ва баракот беради. Бойликнинг яхшиси дил тўқлигидир», деган битиклар бор.

Укажонлар, сизга аввал уйланган ўртоғингиз қўлидаги каттакон узугу, сарполаридаги хилма-хил энгил-бошларни ўзингизники билан солиштириб майдалашиш ярашмайди.

Рости, авваллари «келин тушди, уй кўрарга» чиққан оғзи бўшроқ кайвони аёллардан эшитгувчи сўзларни гоҳида сизнинг оғзингиздан чиқаётганига таажжубда қоламан. Эр йигитнинг оила қуришдан асл мақсади, бахти қандайдир нарса-буюмларни тўплаб олиш билан ўлчанмайди-ку...

«Куёвни пайғамбарлар сийлашган» деган гап юради эл орасида. Чунки куёв аввало янги бир оила масъулиятини ўз зиммасига олган эр йигит, бировнинг бокира қизининг маҳрами, ҳимоя қилувчиси, инсониятнинг давомийлигига ўз ҳиссасини қўшувчи зот сифатида улуғланган.

«Бир хотиннинг бойлиги эрининг муҳаббатидир», — дейилади яна бир Ҳадиси Шарифда. Ҳар бирингизнинг аёлингиз ана шу бойликка чулғаниб яшасин илоҳим, дея ният қиламиз.

*Саида ЗОКИРОВА.*

*Бу — қизиқ*

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

Энг кам миқдордаги ҳарбий сарф-харажат Андорра давлатига тегишли бўлиб, у бор-йўғи ўн долларнигина ташкил этади. Бу маблағ бўш патронларни тўлдириш учун сарфланади. Тинчлик йўлида ишлатиладиган бу патронлар миллий байрамни нишонлашдаги мушакбозликда қўлланилади.

* * *

Юксак маданияти билан оламга довруғ таратган Франция ўз олимлари билан ҳам фахрланади. Француз олими Жан Филиппо 1942 йилда энг митти электр моторини яратган. Унинг бўйи уч ярим миллиметр, вазни эса 0,15 грамм. Мотор бир дақиқада тўрт минг мартадан ортиқ ҳаракатланиб, икки вольтли кучланишдангина қувват олади.

* * *

Дунёда энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 25 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон бор. Битта автобус бу манзилга ҳар куни уч марта қатнайди. Икки кўча, ўн олтита ёритгич чироқ ва одам доимий истиқомат қиладиган ўн учта уй мавжуд.

* * *

Олимлар ҳозирга қадар қадимги Македониянинг энг улкан ва кўҳна даҳмасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Тахминларга кўра у буюк Искандарнинг бувиси Эвридика Македонскаяга мансуб бўлиб, даҳма қурилиши эрамиздан аввалги 330 йилда тугалланган. Унда подшонинг икки метр баландликдаги мармар тахти мавжуд.

*Дилфуза ҚОРАБОЕВА.*

*Маслаҳатлар*

## ҚИЙМА ДИМЛАМА

Бу тансиқ таом ёғсизроқ қўй ё мол гўштининг сон қисмидан тайёрланади. Бунинг учун гўштни ё чумчуқ тили қилиб тўғраш ёки қиймалаш зарур. Қиймага туз, зира ва мурч сепиб, пиёзни майин тўғраб қўшиб мижийсиз ва олиб тиндирасиз. Саримсоқ пиёзнинг узун-узун танасидан олиб, учидан гажагини кесиб ташланг, яхши ювиб, узунлигини 4—5 сантиметр келадиган қилиб қирқинг. Товада ё қозонда ёғни доғлаб, қиймани солиб ковлаб-ковлаб, чала қовуринг, устидан бир пиёла сув севалаб саримсоқ танасини олиб, аралаштириб димлаб қўйинг. Олови дарҳол пастлатилиб 40 дақиқагача дам еб турганидан сўнг таом тайёр бўлади. Дастурхонга тортишда ликопчаларга тақсимлаб алоҳида идишда сабзавот гарнир ёки салат берасиз, шишачада узум сиркаси ҳам қўйилади.

## ПОМИДОР ДИМЛАМА

Қизариб пишган помидорларнинг бир хил катталикдагиларини танлаб оласиз, совуқ сувда чайқаб юборгач, бандини кесиб, олиб қўясиз. Ёғлироқ гўштни (мол, қўй) бармоқ катталигида қилиб тўғранг, суякларини ҳам майдалаб чопинг.

Пиёзни ва булғор гармдорисини эса ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз. Қозонни қуруқ қиздириб, ёғни устидан тўғралган гўштни солиб, туз ва зира сепасиз. Унинг устидан эса пиёз билан гармдорини соласиз, энг тепасига кесилган томонини пастга қилиб помидорларни териб чиқасиз. Масаллиқ устига лаган ёпиб, оловни пастлатиб бир соат давомида димлаб пиширасиз. Дастурхонга тортишда лаганга сузиб, юзига қирқилган ошкўк сепасиз.

*Моҳира КАРИМОВА тайёрлади.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

**Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларидаги ҳунармандлар, халқ усталари диққатига!**

**Агар Сиз 5 йилгача ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизга СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ЭТИЛИШНИ, хом ашё топишдан, транспорт, асбоб-ускуналар билан таъминлашдан қийналмасликни истасангиз, ишлаб чиқарган маҳсулотларингизни бемалол сотиш ҳуқуқига эга бўлишни хоҳласангиз «ҲУНАРМАНД» Уюшмасига аъзо бўлинг.**

**Бу Уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ -1741 «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан «МУСАВВИР» илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида тузилди.**

**Уюшмага аъзо бўлишни хоҳлаганлар Тошкент шаҳар, Навоий ва Шароф Рашидов кўчасининг чорраҳасидаги Шароф Рашидов кўча 16-«А» уйга мурожаат этишларини сўраймиз.**

*Тел: 139-13-53.*

Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**_Маълумотлар учун телефон: 133-28-95._**

**_Факс: (3712) 133-29-09._**

**_МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 204-ХОНАЛАР._**



Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0511. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 5.818 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.